Uzbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**
**QARORI**

**Р Е Ш Е Н И Е**
**ХОКИМА**
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni. Tel: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

201_ у.г. «12» сентебр №1146-К

**“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қайнама” маҳалласида фукаро Исхаков Мансур Абдунаимовичга ҳаммом, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, енгил овқатланиш шахобчаси ва савдо дўкони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида.**

“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қайнама” маҳалласида яшовчи фуқаро Исхаков Мансур Абдунаимович туман ҳокими номига “Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қайнама” маҳалласи ҳудудидан ҳаммом, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, енгил овқатланиш шахобчаси ва савдо дўкони қуришга ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, ”Қишлоқ-қурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2015 йил 26 майдаги 05-15/48-318 сонли хулосасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эхтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1.“Қайнама” қишлоқ фуқаролар йиғини “Қайнама” маҳалласида яшовчи фуқаро Исхаков Мансур Абдунаимовичга “Кайнама” маҳалласи ҳудудидан ҳаммом, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, енгил овқатланиш шахобчаси ва савдо дўкони қуриш учун 0,19 га қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Исхаков Мансур Абдунаимовичга ҳаммом, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, енгил овқатланиш шахобчаси ва савдо дўкони қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шахарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириғи (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.